



Q A R O R

2006 йил «16» Июль

№- 117-К

Фермер хужалигига кушимча ер
майдони ажратиш тугрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8-ноябрдаги ПК-215-сонли «2006 йилда кишлоқ хужалиги кооперативларини (ширкат хужаликларини) фермер хужаликларига айлантириш тугрисида»ги қарорининг ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2005 йил 10-ноябрдаги 203-К-сонли ва туман ҳокимининг 2005 йил 10-ноябрдаги 687-К-сонли қарорларига асосан кишлоқ хужалик маҳсулотларини етиштирувчиларнинг асосий шакл сифатида фермер хужаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек кишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш мақсадида, Муминов Муминжоннинг «Арбоб ота» фермер хужалигига кушимча ер майдони ажратиш тугрисидаги аризасини ҳамда М.Улугбек номли ширкат хужалиги қайта ташкил этиш комиссияси аъзоларининг 2005 йил 29-декабрдаги танлов яқунлари баённомасига ва шу ширкат хужалиги жамоатчилик кенгашининг ижобий ҳулосасини инобатга олиб

Қ А Р О Р К И Л А М А Н :

1.М.Улугбек номли ширкат хужалигини тугатиш ва қайта ташкил этиш комиссиясининг 2005 йил 29-декабрдаги туман ҳокимлиги биносида утказилган тендер яқунлари буйича баённомасида голиб деб топилган Муминов Муминжоннинг «Арбоб ота» фермер хужалигига пахта-галлачилик йуналишида, «Ўздаверлойиха» олийгохи Самарқанд филиали мутахассисларининг қайта йуклама қилиш қайдномасига асосан умумий майдони 23,4 гектар, шундан: сугорилиб ҳайдаладиган ери 22,8 гектар, ариқлар 0,5 гектар, йулар 0,1 гектар кушимча ер майдонлари 50 йилга ижарада фойдаланишга ажратиб берилсин.

2.Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Б.Абдураззоқов)га ер кадастр ва балл бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган ер майдонларини узок муддатли ижара шартномаси, тегишли меъёрий ҳужжатларни ва давлат гувоҳномасини тайёрлаш;

-туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Тураев)га мазкур фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш, солиқ ва бошқа мажбурий туловларини тартибга солиш;

-туман статистика бўлими (З.Эргашев)га мазкур фермер хужалигининг статистик ҳисоботларини қабул қилиш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.

3.Мазкур фермер хужалигига ер майдони ажратишда ширкат хужалигининг қопланмай қолган дебитор ва кредитор қарзларининг, ажратилаётган ер майдонларига мутаносиб равишда тақсимланиб, ундирилишини таъминлаш М.Улугбек номли ширкат хужалиги қайта ташкил этиш комиссия раиси Э.Раҳматов зиммасига юклатилсин.

4.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ширкат хужаликларини қайта ташкил этиш комиссия раиси уринбосари Н.Жураев зиммасига юклатилсин.

5.Мазкур қарорнинг тасдиғи Вилоят ҳокимидан суралсин.

Туман ҳокими :-

Ш.Негматов Ш.Негматов